

Эркин Усмонов

ОЛАМ
НУРГА
ТЎЛАДИ...



Эркин Усмонов

ОЛАМ
НУРГА
ТУЛАДИ...

Қисса ва ҳикоялар



Усмонов, Эркин.

Олам нурга тўлади...: Қисса ва ҳикоялар.— Т: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987.— 160 б.

Самимият ва олижаноблик, ҳалоллик ва эзгулик, ботиний гузаллик ва маънавий поклик сингари юсак фазилатлар гуё куёш нурлари янглиғ ҳаётимизни нурафшон этиб туради. Одам боласи эса бир умр оламни нурга тулдиргувчи ана шу юсакликларга интилади.

Еш ёзувчи Эркин Усмоновнинг ушбу китобига киритилган «Дилингда дардинг бўлса...» қиссасининг ҳам, «Соз» туркумидаги ва бошқа ҳикояларнинг қаҳрамонлари ҳам ана шундай кишилар. Улар орасида олим ҳам, журналист ҳам, созанда ҳам, педагог ва студент ҳам бор. Бу турфа одамларни яқдил этиб турган, ҳамфикр, ҳаммаслак қилган нарсаси ҳам ана шу — бир-бирига муштарак тунгулар дейиш мумкин.

Усманов Э. Мир полон света: Повести и рассказы.

4702570200 — 13
У ————— 150 — 87
М352(04) — 87

Ўз 2

© Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987 й.



ҚИССАЛАР

ДИЛИНГДА ДАРДИНГ БЎЛСА...

БИРИНЧИ БОБ

Унга бешинчи қаватнинг энг чеккасидаги хонани (кабинет қилиб) ажратиб беришди.

Каталакдек тор, шифти паст, ёлғиз деразаси кишинёзин ҳувиллаб ётадиган хилват ва файзсиз муъжаз хиёбонга қараган бу кабинетни (агар шундай деб бўлса) кўҳна бинонинг энг чеккасидаги хона деб ҳам бўлмасди.

Узун, нимкоронғи йўлак адоғидаги энг охирги хона чекувчилар учун ажратилган бўлиб, Собит Султоновнинг янги «кабинети» билан уни юпқагина девор ажратиб турарди, холос.

Султонов аввалига бу хонага сира қовушолмади. Хона тўридаги ичига семиз-семиз қоғоз папкалар гиштдек териб ташланганидан эшиги ёпилмайдиган бесўнақай шкаф ҳам, сон-саноксиз ғаладонли эски ёзув столи, кресло ва учтўртта лиқилдок стуллару бурчакдаги даккиюнусдан қолган кийим илгич ҳам, айниқса хона эшигининг сиртига ўрнатилган (қайси бир «чаққон» ёзиб қўйган) «Хатлар бўлими мудири С. С. Султонов» деган ёзувли шиша тахтача ҳам (уни бир неча кундан кейин олиб ташлади) ўзига эриш туюлди.

Султонов бунақа нарсаларга кўникмаган эди. Йигирма йиллик умри ана шу редакцияда, айнан ана шу «Хатлар бўлими»да ўтган, яқин-яқингача оддий ходим вазифасида ишлаб келарди. Ўн-ўн беш кун бурун битта-яримта унга: «Эрта-индин бўлим мудирлигига тайинланасиз» деса, ўлақолса ишонмасди. Ҳаммаси кутилмаганда юз берди...

Султонов «онаси ишга туккан» деб таърифланадиган кишилар тоифасидан эди. У ҳеч қачон бировнинг (айниқса раҳбарларнинг) гапини икки қилмас, ниҳоятда мўмин-қобил, анчайин хокисор ва андак журъатсиз, эллиқни қоралаб қолган киши эди. У бўлимдаги аёлларга тушликка Бешёғочдан тўрт тийинлик пирожки олиб келиб беришдан тортиб, баъзан чойхонада улфатчилик қилган кезларида қорақуяга беланиб «ғулоҳлик» қилишгача, ҳар қандай юмушни индамай бажариб кетаверарди. Шу сабаб бўлса керак, аксарият редакция ходимлари Султоновга атайин шунақа ишлар учун яратилган ёхуд шундай бўлиши пешонасига битилган кишидек қарашар, албатта бу қарашларда баъзан киноя, баъзан ачиниш, баъзан таҳқир ё камситиш аломатлари ҳам сезилиб турар, аслида буларга Султоновнинг ўзи изн бериб қўйган эди. Қаттаю кичикнинг оғирини енгил қилиш ва одамларга бирон наф келтиришдек олижаноб бир истак болалигиданоқ унинг қон-қонига сингиб кетган эди.

У аслида шоир бўлмоқчи эди. Шунинг учун тил ва адабиёт факультетида ўқиган, талабалик кезлари ҳатто бир қанча шеърларини ҳам эълон қилган эди. Аммо, жуда кўплаб тенгқурларини — курсдошларини элга танитиб, саховатини дариғ тутмаган шон-шуҳрат шабадаси унга келганда четлаб ўтди. Шеърлари тез-тез газета-журнал саҳифаларида чоп этиларди-ю, аммо бирон тақриз ё мақолада, ёш ижодкорларнинг бирон йиғинида унинг шеърлари тугул, исм-фамилиясини ҳам эсга олишмасди.

Кейин-кейин, ўз-ўзидан шеъриятдан совиб кетди. Энди насрга ўзини урди. Ҳатто қалин журналлардан бирида туркум ҳикояларини ҳам эълон қилишга эришди. Аммо, ўзи яхши кўриб ўқийдиган устоз ёзувчилардан бири уни редакция оstonасида тўхтатиб: «Акаси, ҳикояларингизни ўқидим. Дард бору дармон йўқ экан-да!» — дегандан кейин, насрни ҳам, умуман, бадий ижодни бир чеккага йиғиштириб қўйди.

Унинг курсдошлари орасидан бир неча таниқли шоир

ва ёзувчилар, танқидчи ва журналистлар етишиб чикди. У бўлса...

У бўлса, ана шу область газетаси редакциясининг «Хатлар бўлими» га ходим бўлиб ишга келди. «Хатлар бўлими» дегани цехдек бир гап экан. Иш деганингиз қайнайди. Кўрган кишининг ваҳми келади. Минг-минглаб хатлар; уларни ажратиб, мавзуси ва талабига кўра редакция бўлимларига тарқатиш, жавобларини ўз вақтида уюштириш, ҳар бир хатни рўйхатдан ўтказиб, обзор тайёрлаш, уларнинг ҳар бири ортида бир инсон турганини, унинг таклиф ва истаклари, фикр ва мулоҳазаларига, дард-ҳасратларига бефарқ қарамаслик, имкон борича газетхонлар талаб-истагини инобатга олиш ва яна талай ташкилий ишлар... Эҳ-ҳэ, Султонов ана шунақа ташвишлар гирдобида ойлар, йиллар ўтиб бораётганини, сочларига оқ оралаб, юз-кўзларига битта-яримта ажин тўр ташлаётганини ҳам сезмай қолди. Шу тахлит йигирма йил ўтди. Ўн беш кун аввал эса...

Икки ҳафта бурун ҳам оддий иш куни эди. Султонов иккинчи қаватдаги олти киши ўтирадиган дикқинафас хона бурчагида, столга мук тушган кўйи янги хатларни «Ҳисоб-китоб дафтари»га рўйхатга олиб ўтирарди.

Ташқарида эса ҳавонинг ковоғи солиқ, ғувиллаб эсгам шамол баргу хазонларни тўзғитиб, чирпирак қилганча, деразалар тагида куз келаётганини дараклаб юарди.

Худди ана шу куни бир ойдан бери касалхонада ана кетди-мана кетди бўлиб ётган бўлим мудирини Пулат Тўхтаевнинг ўлими ҳақидаги совуқ хабар етиб келди. Редакция, худди саратонда қор ёққандек бир алғов-далғов бўлди-ю, аммо «Хатлар бўлими»да иш тўхтамади.

Агар ҳар бир келган хатни вақтида рўйхатга олиб, тартибга солинмаса, эртасига бир иш икки бўлиб, азобда қолиш мумкин. (Бунинг устига йил якунланяпти.) Шу боис, Султонов эски кадрдони, бўлим мудирининг бевакт ўлиmidан каттиқ изтироб чекаётган бўлса-да, ишдан бош кутаролмади.

...Кейин дафн маросимига боришди, мархумнинг онла аъзоларидан кўнгил сўрашди, ўша кун редакциядаги радиоприёмникларнинг ҳам овозини пасайтириб, тушлик дан кейин хонада бўлиб турадиган «анъанавий» чой хўрликка ҳам йиғилишмади.

Аммо, эртасигаёк яна ҳаммаси ўз измига тушиб кетди. Султонов яна хатлар, турфа одамлар томонидан ёзилган турфа хатлар гирдобиди қолиб кетди.

Бўлимдаги аксарият ходимлар аёллар, эркаклар — Султоновнинг ўзию яқинда ишга келган янги бир ходим дан иборат эди, холос. Аксига олиб, бу йигитча ҳам айни пайтда Пскентда пахта теримида эди.

Ҳамма огирлик Султоновнинг елкасига тушиб қолди. «Собитжон ака, мана бу хатни нима қилайлик, обратний адреси йўқ экан?..»

«Собит ака, «қишлоқ хўжалиги» ўн иккита хатнинг жавобига қарз экан, бўлим мудиридан ўзингиз сўраб берасизми?..»

«Собит ака, Ҳалима икковимиз бир этиб, «Детский мир»га бориб келайлик! Болаларга колготки келган экан...»

«Собит ака...»

«Собитжон ака...»

Султонов тишини тишига қўйиб, чидади. Нимаям қилсин, бўлимда кўп йиллардан бери ишлаётган энг тажрибали ходим, бунинг устига, ҳозирча ёлғиз эркак ўзи бўлгандан кейин, «эр бошига иш тушса» деганлари шу-да! «Майли, янги бўлим мудир тайинлангунча дод дейиш йўқ!» дея далда берарди ўз ўзига.

Ўша кунларнинг бирида, уйда, диванда ҳориб-чарчаб, чалажондек қўзилиб ётганида, хотини ярим ҳазил-ярим чин қилиб: «Ўзингиз мудир бўлиб қўяқолмайсизми», деганида, Султонов ўзининг кўнглидаги пинҳоний бир истак ёлқинланиб кетганини ва орадан кўп ўтмай чиндан ҳам бўлим мудир бўлиб қолажагини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Камтарона туриш-турмушидан, бечораваш юриш-

туришиданми, гўё бир умр оддий ходим бўлиб ўтишга ҳукм қилингандек туюларди ўзига.

Аммо бундай бўлиб чиқмади. Бош муҳаррир: «Шу бугуноқ иш бошлайверинг», деб масалани ҳал қилдиқўйди.

Султоновни шу лавозимга лозим кўришдими ё бошқа одам бўлмагани учун мажбур бўлишдими, бу ёғи қоронғи эди.

Ҳамхоналари унга Пулат Тўхтаевнинг хонасига кўчиб ўтишни айтишганда, унамади. Очиғи, ҳеч кимга сездирмадию чўчиди. Негадир, марҳум ўтирган стол ёнига жойлашиб ишлаш, ҳатто хонасида беш минут ёлғиз ўзи қолишга ҳам юраги бетламади.

Кунлардан бир куни, аллақандай ҳужжатнинг нусхасини қидириб, Тўхтаевнинг столи тортмасини очди-ю, туклари тикка бўлиб, тирноқларининг учигача музлаб кетди. Тортмадаги ҳамма нарса ўз ўрнида, ниҳоятда тартибли қилиб жойлаштирилган эди. Учи ҳафсала билан тарашланган қаламлар, қоғоз қутичада темир қискичлар, чизғич, ўчирғич, адрес ва телефонлар дафтарчаси, чой юки сарғайиб қолган пахта гулли пиёла, ичида бир донагина қолган «ВТ» сигарет қутиси, столдаги ойна тагига қистирилган календарь варағидаги «30 ноябрь куни, қудалар келишига гўшт, уч-тўрт хил яхши шоколад...» деган ёзувлар... Бўлмади. Султонов ҳужжатнинг нусхасини топишга аёллардан бирини киритиб юборди. Қайтиб, бу хонага қадам босмади. Ўз одатича ҳамхоналари билан бирга ишлаб юраверди.

Аммо Пулат Тўхтаевнинг кабинетини кўзлаб юрганлар бор экан. Кўҳна редакция биносида жой масаласида қийналиб юрган кишилар Султоновнинг «жим»лигидан фойдаланиб, талашиб-тортишиб кетишди. Ахийри, масъул секретарнинг қўли баланд келдию кабинетга ўзи кириб олди. Унинг кабинетига эса корректорлар кўчиб ўтишди. Кўп йиллардан бери ишлаётган эр-хотин кекса корректорлар бунгача бешинчи қаватнинг энг чеккасидаги

муъжазгина хонада ишлашар, турган гап, охирги пайтларда чиқиб-тушишга анча қийналиб қолишган эди. Султонов ювошгина эмасми, бунгаям рози бўлди-қўйди. Фақат, бўлими иккинчи қаватда, ўзи бешинчи қаватда (илгариги корректорлар хонасида) ўтириши сал ноқулайлик туғдирди-ю, бунгаям кўникиб кетди.

Бу беш қаватли кўхна бино инқилоб йилларида қурилган бўлиб, айни пайтда, унга беш-олти республика газет-журналлари, шунингдек, область ва район газеталарининг редакциялари бетартиб равишда жойлашган эди. Бу бино редакциялар учун махсус қурилмаганди, албатта. Хоналари ҳам бири кенг, бири тор, яхши жихати сершовкин шаҳарнинг хилват ва сокин бир бурчагига жойлашган, бунинг устига ёзда салқин, қишда иссиқ бўларди.

Султонов ана шу бинонинг бешинчи қаватидаги каталакдэкина хонада ўзининг мудирлик фаолиятини бошлаб юборди.

ИККИНЧИ БОБ

Зокиржон таҳрир қилиб, тайёрлаган материалларини олди-да, йирик-йирик ҳарфлар билан «Халқ ижоди сектори мудири. А. Камолов. Қабул 15. 00 дан» деб ёзиб қўйилган залварли эшик ёнига келиб тўхтади.

Кимдир кирган бўлса керак, эшик қия очик қолган эди. Зокиржон ичкаридан эшитилаётган овозларни таниди. Бир Азим Камоловичнинг, иккинчиси эса катта илмий ходим Азаматнинг товуши эди.

— Бе, қўсангиз-чи, шунақа гапларни,— дерди Азим Камолович,— етти йил бир институтда ёнма-ён юриб, энди шу бўлдим окибат?

Азамат алланима деб минғирлаётган эди, Азим Камоловичнинг дўриллаган товуши унинг сўзини бўлди.

— Э, шуям гап бўпти-ку! Йўк, бари бир, мен сизни бўшатолмайман, сиз керакли одамсиз! — у пихиллаб кулди,— ўйлаб кўринг, ахир, машинанинг у ер-бу ери бузилиб қолса, кимга бориб ялиниб юраман, окуси?

— Азим Камолович, бу ёғидан ташвиш тортманг, любой вақт хизматингизга тайёрман,— ялтоқланди Азамат.

— Йўк, гап битта. Қўлингизда гулдай ҳунарингиз бор. Машинанинг тилини биласиз. Менга сувдек зарур одамсиз. Бояги масалага келсак, уни менга қўйиб беринг. Ўзим тўғрилайман! Битта илмий ходимимизнинг квартирасини кенгайтириб беролмас эканмиз, нима қилиб местком аъзоси бўлиб юрибмиз. Шахсан директорнинг олдига кираман. Шунақа-шунақа, дейман. Фан кандидати... Қелажаги порлоқ олим, дейман. Ишлаши учун шароит керак, дейман. Ажабмас, бу кулбангизни битта-яримта қаланғи-қасанғига

топшириб, беш-олти хонали янги квартирали бўлиб колсангиз...

— Раҳмат, ака, раҳмат! Кам бўлманг!

— Ҳа, шундай бўлсин. Энди бориб, ишларингизни хотиржам давом эттираверинг...

Ичкаридан кадам товушлари эшитилди. Зокиржон шоша-пиша зина тарафга ўзини урди. Худди юкори каватга чиқаётгандек, мармар зиналарнинг уч-тўрттасини битта ҳатлаб кўтарила бошлади. Унинг юзлари кизиб кетган, икки чаккаси лўкиллаб, юраги кўксидан отилгудек гурсиллаб урарди.

«Мана, ҳаммаси маълум бўлди-кўйди. Нима учун мена бундай муносабатда бўлаётганларининг сабаби бу ёқда экан-да. Керакли одам... Азамат хўжайиннинг керакли одами экан-да... Ўзи шундай деди-ку!..

Қачон қараманг, Азим Камоловичнинг машинаси атрофида куймаланиши, хонасига кириб олиб шивир-шивир қилишлари бежиз эмас экан-да... Сендан угина, мендан бугина. Тушунарли! Қарс икки қўлдан чиқади-да! Азамат хўжайиннинг машинасини кам-кўстларини тўғрилаб юради, хўжайин бўлса уни қўллаб-қувватлаб... Машинани устага олиб борса, арзимаган битта винтини бураш фалон пул турса! Беминнат, тайёр «уста»ни ким қўлдан чиқаргиси келади? Ҳа, мана гап қаёқда экан... Квартира эмиш! Нега ҳеч ким шу вақтгача мендан: «Учта боланг билан ҳали ҳам ижарада турибсанми?»— деб сўрамайди. Бошқаларнинг туриш-турмуши билан қизиқмайди?!»

Зокиржон шуларни ўйлар, ўйлаган сари жиғибийрони чиқарди.

У «Халқ ижоди» секторининг катта илмий ходими Азамат Мансуровни ошкора ёқтирмасди.

Институтда ўқиб юрган кезлари, Азамат улардан бир курс юкорида ўқир, дарсга хаворанг «Жигули» ҳайдаб келарди. Шахсий машинада институтга кат-

наш унча-мунча студентга насиб килавермайди. Шунинг учун Азамат ҳамманинг назарида эди. Нимаям бўлди-ю, ўша йили у шартта ўқишни ташлаб армияга кетиб қолди. Қайтиб келгач, кундузи кайсидир автобазада ишлаб, кечки бўлимда ўқишни давом эттирди. Кейин, анчагача кўринмай кетди. Зокиржон уни машинанинг эҳтиёт қисмларини пуллаётиб қўлга тушган, деб эшитди. Кейин-кейин уни ҳамма эсдан чиқариб юборди.

... Мана энди орадан етти йил ўтгач, Зокиржон аспирантурани тугатиб, илмий-текшириш институтига ишга келди-ю, уни шу ерда учратди. Бу тайин-тахсири йўқ, устаси фаранг йигитнинг қачон институтни битириб, диссертация ёклаганига, қачон катта илмий ходим бўлиб кетганига тушунолмай, анчагача гаранг бўлиб юрди. Вакт ўтган сари бунга кўникиб ҳам кетди. Эътибор ҳам бермай қўйди.

Мана энди бўлса... бугунги гап. Сира тушуниб бўлмай қолди. Зокиржон фойедаги креслога ўзини ташлаб, асабий ҳаракатлар билан сигарет тутатди. Шу тобда у катта бир адолатсизликка рўпара келгандек хис қиларди ўзини.

Бу нима деган гап? Керакли одаммиш? Ахир, одамнинг керакли-керакмаси ҳам бўладими? Худди молга ўхшаб сортга ажратилганга ўхшайди. Бу биринчи сорт одам, у иккинчи сорт одам, анавиниси учинчи сорт... Қизик! Мен нечанчи сорт одам эканман?! Иккинчими? Учинчими? Ҳар ҳолда, биринчи сорт бўлмасам керак. Чунки керакли одам эмасман!

Тўхта, тўхта, керакли одам?! Нима учун керакли? Қўлидан бирон нима келгани, одамларга нимадир қилиб беролгани учунми? Унақалар кўп-ку! Эҳ-ҳа, гап бу ёқда экан-да? Мана, Турсунбойни олайлик. Радио-телевизор тузатишни билади. Шунинг учун ҳамиша иззатда. Гоҳ директор муовини уни ўзи билан машинасида олиб кетса, гоҳ бош бухгалтер

уни йўклаб кидириб юради. Набиев бўлса чойхона паловни котиради. Ҳар сафар чойхонада улфатчиликдан сўнг, унинг кўли ширинлигини мактаб юришади. Алишернинг отаси эса академик. Шунинг учун бўлса керак, каттаю кичик ундан ҳайиққандек илжайиб гаплашади.

Зокиржоннинг ўзи-чи?! Кимга керак? Нимага керак? Кимга нима қилиб бераолади? Ҳеч нима! Машинанинг «м» ҳарфигаям акли етмайди. Радиотелевизор тузатишни-ку, айтмасаям бўлади. Уйда лампочка қўймоқчи бўлса, монтер қўшнисини чакириб чиқади. Улфатчиликка ҳам доим қўшилавермайди. Борган тақдирда ҳам олов ёқиб, қорақуяга беланишдан нарига ўтмайди. Шунақа пайтларда ичидан зил кетади-ю, аммо гинг деёлмайди. Худди бирон нимадан тили қисик жойи бордек...

Дунё қизиқ экан... Бировнинг қор-қолига ярасанг яхши, бўлмаса, итнинг орқа оёғидай судралиб юраверасан, на ҳурматинг, на кадр-кимматинг бўлади. Бир пулга кимматсан!

Ҳаммаси равшан. Зокиржон Қурбонов кераксиз одам. Дунёда борми-йўкми, ҳеч кимга, ҳеч қанақа аҳамияти йўқ одам, тамом-вассалом! Шу тобда Зокиржон ўзининг кўзига ўзи ношуд ва пандаваки, ҳеч нарсанинг уддасидан чиқолмайдиган ожиз ва ночор одамдек кўриниб, ўз-ўзидан нафратланиб кетди. Беихтиёр, марҳум отасининг: «Ўғлим, биронта касб-ҳунар ўргансанг бўлармиди, институтда ўқиганинг яхшию аммо йигит кишига биронта ҳунар ҳам керак», деган сўзларини эслади. Қаранг, отаси қанчалар ҳақ экан? Мана, ўқиб, диплом ҳам олди. Ҳўш, бу ёғи нима бўлди? У тенгилар аллақачон кандидатлик диссертацияларини ҳимоя қилиб бўлишди. Зокиржон бўлса ҳалигача диссертация темасини тасдиқлатолмай юрибди.

Тўғри, унутилаёзган халқ қўшиқларини, термала-

рини тўплаш мақсадида ўнлаб шаҳар ва қишлоқларни қадам-бақадам кезиб чикди. Кўп нарсалар топди. Ўша кезлари худди катта кашфиёт қилган кишидек қанчалар бахтиёр эди у. Энди билса, буларнинг ҳаммаси беҳуда экан. Биров нима қилдинг, нима қўйдинг ҳам демади. Биров миннатдор ҳам бўлмади. Ҳозир газеталарнинг сарғайган саҳифаларида, папка-папка қўлёмалар орасида қолиб кетган ишларини биров эсламайди... Қизиқ, ўшанақа илмий экспедицияларга, командировкаларга бошқалар ҳам боришган эди-ку! Азим Камолович ҳам, Азамат, Турсунбойлар ҳам...

Одамлар оғзидан халқ қўшиқларини, термаларини, мақол-маталларни ёзиб олишган, ош устида қадах кўтариб: «Қитоб қилиб чиқарамиз! Телевизорда кўрсатамиз! Радиода эшиттирамиз!»— деб уларга коп-коп ваъдалар беришганди-ку! Содда одамлар албатта ишонишган эди бунга. Зокиржоннинг ўзи ҳам ишонганди. Қани энди ўша гаплар?

Айтилган гаплар унутилдими? Эсиз, Зокиржоннинг шунча елиб-юрганлари...

Зокиржон худди уриб дабдаласи чиқарилган одамдек зўрға ўрнидан турди. Унинг ранги девор бўлиб кетган, мияси ғувиллаб, кўзлари теварак-атрофга маъносиз, алланечук совуқ боқарди... Азим Камолович уни бу ҳолатда кўрди-ю, «мазангиз йўқроқ кўринади, уйга борақолинг», деб жавоб бериб юборди...

УЧИНЧИ БОБ

Абдусаттор рӯпарасидан чиккан йигитни кӯрди-ю, тӯхтади.

Йигитнинг эғнида ок кӯйлак, қора шим, оёғида пош-налари ейилиб кетган бесўнақай туфли. Кӯйлагининг ёкаси кир, тирсагига, енгига доғ-дуғ теккан, шимининг почаси титилиб, иплари ўйнаб кетган эди. Унинг худди касал одамникидек рангсиз, озғин юзларини сокол қоплаган, катта-катта кўзлари негадир атрофга лоқайд ва бепарво боқарди.

Абдусаттор уни тӯхтатгиси келди. «Бундоқ уст-бошингга қарасанг-чи! Кап-катта йигитсан-ку, ахир?! Аҳволингга қара! Сенга нима бўлди ўзи? Соколингни олиб юрсанг бўлмайдами? Кийимларингга бир қара, кимларга ўхшаб қоляпсан? Нима, хотинингга сўзинг ўтмайдами? Ё хотинингнинг кўзи кўрми? Атрофингга қарасанг-чи, сен тенги йигитлар қандай юришибди!..» — демоқчи ҳам бўлди-ю, аммо йигитнинг юз-кўзларидаги, ёлғиз ўзи учунгина таниш бўлган ифодани кўриб айнади.

Йигитнинг бутун юриш-туриши, хатти-ҳаракати: «Нима, кийим-кечак бирон нарсани ўзгартирармиди? Нима, яхши кийинган одам яхши-ю, сал бундоқроқ кийинган одам ёмон бўлди? Гапингни қара, соколмиш-а? Нима энди, бировларга қараб юриш керакми?» — деб таъкидлаб тургандек эди.

Абдусаттор йигитга синовчан тикилди. Аммо йигит унга эътибор ҳам бермади. Худди дарахт ёҳуд симёғоч ёнидан ўтгандек парвойи-фалак ўтди-кетди.

Тушки танаффус пайти эди. Абдусаттор овқатланиш учун ўзи ишлайдиган идоранинг ертўласидаги мўъжазгина ошхонага кирди. Кўримсизгина залнинг у ер-бу ерига беш-олтита стол қўйилган бўлиб, уларнинг устига доғ-дуғ тегавериб олачалпоқ бўлиб кетган оқ дастурхонлар ёзилган эди.

Абдусаттор бир стакан компот билан ковурилган балиқ олиб, бурчакдаги столлардан бирига яқинлашаётган ҳам эдики, бирдан стол ёнида ўша... эгнига кир бўлиб кетган оқ кўйлак ва почалари титилиб, ипи ўйнаб ётган қора шим кийиб олган йигитни кўрди. Олдида бир стакан компот ва тарелкада қовурилган балиқ бор эди.

Абдусаттор унинг қилаётган ишини кўриб, на ўтиришини, на тураверишини билмай, анқайиб қолди.

Йигит кўлидаги ғижимланган қоғоз пулларни ва тангаларни стол тагига яшириб, битта-битта санар, орачора атрофга ҳадиксираб қараб кўярди.


Унинг маъюс кўзлари катта-катта очилганча бушликка тикилган, юпка лаблари алланималар деб пичирлар, озгин ёноклари учиб-учиб турарди. Афтидан, у тушки овқатнинг нархини ва ошпаз хотин ундан қанча пул юлиб қолганлигини ҳисоблаш билан банд эди.

Ниҳоят, у бармоқларини бука-бука ҳисоб-китоб қилиб бўлди шекилли, пулларини яна шим чўнтагига солиб, кўли қўлига тегмай савдо қилаётган ошпаз хотинга еб кўйгудек қараб қолди.

«Ноинсоф ошпаз хотин уриб қолибди шекилли...» дея хўрсиниб қўйди Абдусаттор йигитдан кўз узмай.

Йигит эса ҳамон маъюс кўзларини ошпаз хотинга қадаганча ҳайкалдек қотиб ўтирарди. Унинг рангпар ва орик юзида на қазаб, на нафрат ифодаси сезилар, фақат унинг безовта кўзларида ҳаётнинг ва алам кўриниб турарди.

«Турмансанми? Бор! Сўра! — деди Абдусаттор хаёлан йигитга мурожаат қилиб. — Нимага латтадек шалвираб



ўтирибсан? Ўз ҳақингни талаб қилолмайсанми? Шунака кўрқокмисан?! Балки, «беш-ўн тийин билан бой бўлиб кетармидим», — деб истиҳола қилаётгандирсан? Сен балки бой бўлмассан, аммо ана шу, ҳозир сен тикилиб турган ошпаз хотин, бир ҳафта бурун, 10-синфда ўқийдиган тирмизак ўғлига «Жигули» олиб берди. «Қаердан» дерсан? Қаердан бўларди? Ана шу ҳар сафар сен ва сенга ўхшаган пандавақилардан уриб қолаётган беш-ўн тийин тангалардан-да! Қани, тур! Бор! Сўра! Қайтимимни тўғри қайтармабсиз, дегин-чи! Деёлмайсан! Йўқ, бу андиша эмас! Сен бунга журъат этолмайсан, вассалом!»

Йигит ўтиролмади. Туйқус ўрнидан турди-да, тарелкадаги қовурилган балиқ ва яримта нонни шоша-пиша салфеткага ўраб, эшик тарафга юрди.

«Мана энди, богдаги суви йўқ фаввора олдидами ё хонасидаги биронта бурчакдами омонатгина ўтиради-да, тез-тез еб олади, — ўйлади Абдусаттор. — Одам деган ҳам шунака журъатсиз, кўрқок бўладими?..»

Абдусаттор овқатлана олмади. Бирдан иштаҳаси ғиппа бўғилди. Қовурилган балиқ ва яримта нонни салфеткага ўраб, эшик томонга юрди.

Абдусаттор шу лаҳзада одамдан кўра, ожиз ва нотавон бир махлуққа ўхшайдиган бу икки оёқли жонзотни дуп-послаб ургиси келиб кетди. Ўзини тутолмади. Энди қўлини кўтаргани ҳамки, йўлакдаги эшиклардан бири очилиб, барваста қоматли, тарвуздек қорни кўйлагини туртиб чиққан, ковоғи солиқ киши чиқиб келди. У идора хўжайини эди.

Йигит хўжайинни кўрди-ю, бирдан ток ургандек сесканиб кетди. Кейин салфеткага ўроғлиқ нон билан балиқни орқасига яшириб, титрок товушда салом берди.

«Нега салом берасан, аҳмоқ! — деди Абдусаттор ҳаёлан йигитга мурожаат қилиб. — У саломингга зорми? Нима учун салом берасан? Одамгарчиликми, одобми ё расмиятчиликми? Очигини айтсан, сени қаққарганинг, ҳақ қайтасан, йўқ. Фақат кўрқоксан!»

У сендан гавдали. У сенга караганда бақувват. У сендан обрўли. У сендан кўпроқ маош олади. У ҳар кун ишга шахсий «Волга»сида келиб-кетади. Сен эса трамвайнинг эшигида осилиб юрганинг-юрган...

Ана шунинг учун сен ундан ҳайикасан.

Ана шунинг учун сени ҳеч ким бир пулга олмайди. На хотининг, на бошқалар...»

* * *

Абдусаттор хонасига кириб, қўлидаги балиқ ва нон уралган салфеткани стол устига қўйди-да, устма-уст, босиб-босиб сигарет чекди. Аммо, бари бир, хумордан чикмади. Хонанинг қаерига кўзи тушса, ўша ерда бояги йигит мўлтираб тургандек кўринаверди.

Абдусаттор уни бору борлиғи билан ёмон кўрарди. Уни хатти-ҳаракатларидан ғижинар, ҳар сафар қони қайнаб кетарди. Кўпдан бери. Куз келса икки йил бўлади. Икки йилки, уни кўрарга кўзи, отарга ўки йўқ.

Абдусатторнинг бу йигитга раҳми келарди, деб бўлмайди. Уни кўрди юраги сиқилаверар, баъзан тушига кирса, тонг отгунча ухлаёлмай ўрнида тўлғаниб чиқарди. Йигитнинг ҳар бир имо-ишораси, ҳар бир сўзи унинг жонини ҳалқумига келтирар, сира чидаёлмасди.

Абдусаттор икки йилдан бери у билан ана шундай яккама-якка пинҳоний жанг олиб борарди.

Унинг фикри ожизича, шу йигит бирдан-бир душмани, рақиби эди. У билан олишгани-олишган эди. Тушида ҳам, ўнгида ҳам. Кечаси ҳам, кундузи ҳам...

Абдусаттор қачонлардир уни бари бир маҳв этишини ички бир туйғу билан ҳис қиларди. Айниқса, кейинги пайтларда унинг бирдан-бир мақсади, ана шу бесарбезовта боқувчи кўзларида ҳамиша ўқинчми, кўркувми, илтижоми қотиб қолган йигитни енгитиш эди.

Аммо, буни ўзидан бошқа ҳеч ким билмасди...

ТЎРТИНЧИ БОБ

Энди Султоновнинг ишлари ҳам бирмунча енгиллашган, аввалгидек югур-югур йўк, уззукун кабинетида хатларнинг келиши, улардан фойдаланиш ва жавоб берилишини назорат қилишдангина иборат эди.

Қўпинча хонада ёлғиз ўзи қолар, қўлларини қовуштирганча каталакдек хонанинг у ёғидан-бу ёғига юрар, стол устидаги телефон ҳам миқ этмас, баъзан ўзидан ўзи сиқилиб кетар ва иккинчи қаватга зингиллаб тушиб, бўлим ишларидан хабар олиш баҳонасида, битта-яримта билан икки оғиз гаплашиб, бир пиёла чой ичиб чиқарди.

Ёнгинасидаги хонага кирай деса, у чекмасди.

Редакция биносида чекиш қаттиқ ман этилган бўлиб, ҳар бир қаватда махсус «чекиш хона»лари ташкил қилинган ва кашандалар баъзан кўпчилик, баъзан икки киши, баъзан ёлғиз кириб олиб шу ерда сигарет тутатишарди. Уларнинг товушлари шундоқ Султоновга эшитилиб турар, ҳеч ким ўзининг гап-сўзлари кўшни хонага баралла эшитилишини хаёлига ҳам келтирмасди. Султонов баъзан уларга ҳавас қилар, шартта кириб, «қани, чекишдан олинглар, йигитлар» деб, босиб-босиб сигарет тутатгиси келиб кетарди.

Аввалига битта-яримта ёшлар эшик ёнидан ўтаётганда: «Э, уятсиз, секинроқ, Собит ака эшитмасинлар», деб қўйишаверганларидан кейин, Султонов эшикдаги «Хатлар бўлими мудири С. С. Султонов» деган ёзувли шиша тахтачани ҳеч ким йўғида винтини бураб олди-да, стол ғаладонига ташлаб қўйди. Азбаройи одамларнинг диққатини тортмаслик учун шундай қилди. Энди ташқаридан қараган киши, бу хона қанақа кабинету у ерда ким ўтиришини етти ухлаб тушида ҳам кўрмасди.

Султонов ишдан чарчаганида, сиқилган пайтларида

дераза ёнидаги креслога ўтириб олиб, хилват ва файзсиз хиёбоннинг бир бўлагига, баргу хазонларни титиб юрган қарғаларга тикилганча ўтирарди. Жуда зерикарли манзара эди. Аммо Султонов мароксиз, юракни қизитадиган бу манзарани соатлаб томоша қилиб ўтиришдан чарчамасди.

Япроқлар... сарик, қизғиш, зарғалдок, яшил, шапалокдек-шапалокдек япроқлар худди унга хат конвертларини эслатарди.

Назарида, ажойиб кунларнинг бирида ана шу хилват хиёбон ҳам ёришиб, яшнаб, пурга тўлиб кетадигандек, япроқларини чанг босган ғамгин мажнунтолларга ҳам ошик-маъшукларнинг сирли шивир-шивирларини тинглашдек бахт насиб этадигандек эди. Ва бу хаёли ҳақиқатга айланажасига ўзининг ҳам ишонгиси келарди.

Баъзан қоғоз папкалардаги хатларни олиб, бир чеккадан ўкиб ўтирарди. Хатлар турфа бўларди. Худди ўзларининг муаллифлари каби. Ёши ҳам, тажрибаси ҳам, адреси ҳам турфа одамлар. Аммо, уларнинг аксарият фикр-мулоҳазалари, таклиф ва истаклари муштарак бўлиб чиқарди.

... Тез-тез қўшни хона эшигининг тарақлаб ёпилгани, чекувчиларнинг кулгиси, норози оҳангда минғирлаши ва стулларнинг ғирчиллаши қулоққа чалинар, уларнинг шовқинидан Султоновнинг хаёли бўлиниб кетар, уларнинг суҳбатлари шундоқкина эшитилиб турарди.

«... Бош редактор муовинига бир нима бўлганми ўзи-а?»

«Ҳа, нима қилди яна?»

«Ўйга ариза берганимга беш йил бўпти», десам, «Нима қипти, одамлар ўн йиллаб кутади», дейди.

«Тўғри айтибди».

«Тўғрику-я, бу ёғини эшитинглар! «Шоир одамга уйнинг нима кераги бор, Чеховдек одам ўз ҳикояларини пляжда, Беранжедек шоир ўз қўшиқларини хашаки қаҳвахоналарда ёзган, сиз ким бўлибсиз», дейди».

«Тўғри айтибди».

«Менга қаранг, шоир, нега ўзи шундоқ қишлоғингизни ташлаб, бу сершовкин шаҳарда юрибсиз-а?»

«Саволингни қара, ахир ҳамма улуғ ёзувчилар қишлоқда туғилиб, Парижда ўлганлар-ку!»

«Вей, қизиксизлар-а, жўралар, мен жиддий айтсам, сизлар...»

«Ие, нервиний экансиз-ку, шоир, ҳазиллашяпмиз-да, энди. Қани, гугуртингизни бериб туринг!»

«Ахир, биласизлар, хотиним, қизчам бор. Қачонгача ижарада, уй эгасининг қовоқ-тумшугига қараб юрман? Ўша Чехов ҳикояларини пляжда ёзган бўлса бордир, аммо бола-чақаси билан пляжда яшамаган-ку?!»

«Ҳа, қийин. Умуман, тураржой масаласи қийин...»

«Телефон тушириш ҳам проблема экан!»

«Ўйланишни айтмайсанми?»

«Ҳа, энди буниси ўзингизга тааллуқли!»

«Айтмоқчи, юрган қизингиз нима бўлди?»

«Бўлмади. Чикадиган китобингизга «Жигули» олса бўладими, дейди».

«Нима дедингиз?»

«Аввал, велосипеддан, ол, ана мотоциклдан келсангчи, дедим».

«Бекор қилибсиз. Китобчанинг пули экскаваторгаям етади, здачисига «Жигули» оламин, жоним, дейиш керак эди...»

Ёки:

...«Нима чекапсиз?»

«Прима». Бўладими?»

«Майли. Битта беринг! Аслида ҳаммасининг ҳам сости битта. Никотин!»

«Ҳа, нега кайфиятингиз йўғроқ?»

«Йўқ, ўзим. Маошгача ўн сўм бериб туролмайсизми?»

«Бор-йўғи беш сўмим бор. Тушки овқатда меҳмон қилишим мумкин».

«Майли, шунисигаям раҳмат! «Шарк юлдузи»да шеърларим чиққанди, негадир гонораридан дарак йўқ!»

«Келиб қолар. Яхши тўлайди, дейишади.»

«Ким биледи? Бу журналда биринчи чиқишим.»

«Юваркансиз-да!»

«Икки марталаб...»

Ёки:

...«Хўш?! Мана, иккаламиз холи қолдик. Айтинг, айтадиганингизни!»

«Йўқ, ука, унақа жаҳлингиз чиқмасин. Асабни эҳтиёт қилиш керак. Ҳали ёшсиз...»

«Ўзи-чи, қирқта ерингизга пичоқ урса, бир ерингиздан қитдай қон чиқмас экан!»

«Безбет демоқчисиз-да... Ўзингиздан ёши катта одамга бунақа муомала қилиш одобдан эмас...»

«Ахир тушунсангиз-чи, телефондаям айтдим. Бу мақолани боса олмаймиз, дедим. Яроксиз, дедим...»

«Шуни ярайдиган қилиш, нима деган гап, ука, сизга?!»

«Шу мақола чиқмаса бўлмайдимиз?»

«Бўлмайди-да! Ўртамизда қолсин-ку, мақола қаҳрамони божамиз бўлади. Яқинда ошхоналар трестига директор қилиб тайинланди. Ўсадиган йигит. Таништириб қўяман. Гўшт-пўш деб овора бўлиб юрмайсиз...»

«Э, керакмас!»

«Керак, керак! Битта товукка ҳам дон, ҳам сув керак. Ҳар ҳолда, ҳаётда тажрибамиз бор, акаси!»

«Нима қил, дейсиз?»

«Шу мақола чиқиши керак. Мақтаниб қўйганман божамга. Иннакейин, уям бу билан ўз мавкеини мустаҳкамлаб олади. Газетада мақталгандан кейин биласиз, эътибор кучаяди. Гонорарини бўлса, ёзган болага айтаман, қўлингизга олиб келиб тутқазади. Ўзимнинг қўлимда ўқийдиган студентлардан. Ишончли бола...»

«Нима деяпсиз ўзи?»

«Шошилманг! Божам танти йигит. Мақола чиқсин, битта зиёфат қилиб, елкангизга тўн ёпади.»

«Э, кўйинг-е!..»

«Шошманг, ука, хўв, шошмасангиз-чи!»

Султонов бу суҳбатдошларнинг деярли ҳаммасини ганирди. Овозларини эшитарди-ю, худди юз-кўзларини кўриб тургандек бўларди.

Баъзан ўзини уларнинг суҳбатларига ўгринча кулок солаётгандек ҳис қилар, уятдан оқ-сарик юзи кизариб, қочиб иккинчи каватга, ўзининг олти кишилиқ сершовқин хонасига тушиб кетгиси келарди.

Аммо, «Чекиш хонаси»га кириб «ҳасратлашадиганлар» ўз гап-сўзларини девор орқасида бошқа бир одам бемалол эшитиб ўтирганидан мутлақо беҳабар эдилар. Султонов ҳам бу «суҳбатлар» ҳақида ҳеч кимга оғиз очмас, сўз ўз ичига ютиб юрарди. «Кимгайм нима десин? Уят бўлмайдами? Бировларнинг гапини эшитиб олиб, бошқа бировларга гапириб юриш кип-қизил шармандалиқ-ку, ахир!»— ўйларди у. Ва ҳар сафар ўша суҳбатлашган кишиларга, ёш-ялангларга кўзи тушганда, кўришганда, ноқулай аҳволга тушиб қолар, дарҳол кўзини олиб қочарди.

Шу тахлит кунлар кетидан кунлар ўтар, вақт ўтган сайин Султонов ҳам каталакдек хонасига, у ердаги вазиятга, девор ортидаги «суҳбатлар»га кўникиб борарди...

* * *

Султонов ўз болалигини эслашни кўпда ёқтирмасди... Тасодифан, кўча-кўйда ё бекатда икки оғиз ҳамсуҳбат бўлган кишини бир неча кун унутолмай, ўша кўчадан ё ўша бекатдан ўтган-кетганингизда истасангиз-истамасангиз бир хотирлаб қўясиз-ку, қандай қилиб киши ўз болалигини эсламасин? Эслайди, эслашга мажбур...

Шунга қарамай, Султонов ўз болалигини эслашни истамасди. Аслида, эслагулик ери ҳам йўқдек эди.

Қишда ёккан қор, баҳорнинг ўрталаригача саҳнида яғир увадалардек уюлиб ётадиган, кунга тескари тушган

муъжазгина ховли ва пастаккина зах уй, ота-онасининг хар куни бўлиб турадиган жанжаллари, «Болалар уйи», жингалак сочли коп-қора киши, «Ленин учкуни»да чикқан ўзининг биринчи мақоласи ва яна шунга ўхшаш узук-юлуқ хотиралар...

Султонов ўша йилларни эсламасликка уринар, гўё ҳаётида ёдга олганида бутун хонумонини ўртаб ташлагувчи аламли воқеа-ҳодисалар ҳеч қачон бўлмагандек фараз қилар, аммо юрагининг аллақайси бурчига кўмиб ташланган болалик хотиралари ўқтин-ўқтин кўзғалиб, ўзининг ҳали мавжудлигидан огоҳ этиб қўймоқчидек туюларди.

Ўша кезлари ўзининг нега тирик етим бўлиб қолганлигини ўйлаб, ўйига етолмас, мурғак идроки ҳали ҳаётнинг бу хил мушкул жумбоклари қаршисида ожизлик қиларди.

Онаси ниҳоятда гўзал, сарвқомат аёл эди. У қаерда ишларди, касби нима эди, ҳозир эслаёлмайди.

Отаси эса ёш бўлишига қарамай сочлари оппоқ оқариб кетган, доим маъюс ва гамгин, ҳаёлпаршон кифада юрадиган, қуюқ қошли, зуваласи пишиқ одам эди.

Деярли хар куни уйларида жанжал, бакир-чакир бўларди. Ўшанда отасининг нималар деб бакиришларини, онасининг нималар деб йиғлашларини у тушунмасди. Аммо тез-тез уйларига кўни-қўшнилари, соқоли кўксини тўлдирган мўйсафидлар кириб туришларини, ота-онаси иккови мактаб ўқувчиларидек жимгина уларнинг салмоқланиб айтган узундан-узоқ гапларига қулоқ солиб ўтиришларини, шундан кейин бир неча кун уйларида осойишталик ҳукм суришини, кейин кунларнинг бирида яна тонг қоронғисида, идиш-товоқларнинг қарсиллаб синиши ва ота-онасининг бакирик-чакирикларидан сачраб уйғониб кетишларини ғира-шира хотирларди, холос.

Орадан кўп ўтмай, Собитни атрофи темир панжаралар билан ўралган икки қаватли бинога олиб бориб қўйишди. Шу-шу, ота-онасини ҳафтада бир кўрадиган бўлди.